



## ТҮҚИМАЧЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ.

### УПРАВЛЕНИЕ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТЬЮ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ.

#### MANAGEMENT OF THE ATTRACTIVENESS OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT AT TEXTILE INDUSTRY ENTERPRISES.

Шерзод Солижонович Махсудов  
Фарғона давлат университети  
тадқиқотчи

**Аннотация:** Мазкур мақолада Инвестицион мұхит жозибадорлигини бошқариш, Инвестицион сиёсат, Қонуний-хуқуқий жиҳатлар асосида тартибга солиш, Маъмурий жиҳатдан тартибга солиш, инвестицияларни жалб қилиш, кредит сиёсати, банк захираларини меъёрлаштириш, бюджет харажатларини мақсадга мувофиқлиги, назарий жиҳатдан асослаб берилген.

**Калит сўзлар:** Маъмурий чекловлар, иқтисодий услублари, тизимли парадигма, инвестиция ва инновациялар, тизимли бошқарув, инвестицион имконият, инвестицион сиғум ҳолати, инвестицион-молиявий фаоллик, молиявий ресурсларнинг шаклланиши.

**Аннотация:** В данной статье с теоретической точки зрения обоснованы управление привлекательностью инвестиционной среды, инвестиционная политика, регулирование с учетом юридических и правовых аспектов, административное регулирование, привлечение инвестиций, кредитная политика, регулирование банковских резервов, целесообразность бюджетных расходов. зрения.

**Ключевые слова:** Административные ограничения, экономические методы, системная парадигма, инвестиции и инновации, системное управление, инвестиционная возможность, ситуация инвестиционного потенциала, инвестиционно-финансовая деятельность, формирование финансовых ресурсов.

**Abstract:** In this article, from a theoretical point of view, the management of the attractiveness of the investment environment, investment policy, regulation, taking into account legal and legal aspects, administrative regulation, investment



*attraction, credit policy, regulation of bank reserves, and the feasibility of budget expenditures are substantiated. vision.*

**Keywords:** *Administrative restrictions, economic methods, system paradigm, investment and innovation, system management, investment opportunity, situation of investment potential, investment and financial activity, formation of financial resources.*

### **Кириш.**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибида 410 та тўқимачилик корхоналари, 10 та машинасозлик корхоналари, 1330 та тикувчилик-трикотаж корхоналари, шунингдек 91 та пахта-тўқимачилик кластерлари, “Шарқ либослари” дизайн маркази, Реклама ва маркетинг агентлиги, “Ўзтўқимачиликэспорт” ташқи савдо компанияси, пахта толаси сотувини амалга ошириш бўйича “Тўқимачиликброк” компанияси, шунингдек тўқимачилик корхоналарини лойихалаштириш ва қурилиш ишларини амалга оширувчи “Енгилсаноатқурилиш” компаниялари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг барча тармоқларини ривожлантириш ва таъминлаш учун бой хом ашё базасига (пахта, жун, қоракўл, нефть, газ ва ҳоказо), бундан ташқари иқтисоднинг тез суръатларда ривожлантириш учун етарли даражадаги шарт-шароитларга (табиий-климатик, территориал ва меҳнат ресурслари) ҳам эгадир. Тармоқни 2019-2030 йилларда ривожлантиришнинг стратегиясида 2025 йилга бориб, республикамида етиштирилаётган пахта хом ашёсининг 100 %ини республикамида қайта ишлаб чиқариш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини эса 4,3 марта оширишнинг устувор йўллари белгиланган.

### **Адабиётлар тахлили.**

Неоклассик ва замонавий Европа мактаби вакилларининг назарий қарашларида инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш масалалари анъанавий тарзда тадқиқ этилган. Мавжуд назарий қарашларга мувофиқ уларни қўйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

- а) макроиқтисодиёт концепцияси нуқтаи-назаридан инвестицион муҳит жозибадорлигини ўрганиш;
- б) ташқи таъсир омиллари нуқтаи-назаридан инвестицион муҳит жозибадорлигини ўрганиш;
- в) инвестицион муҳит жозибадорлигини уни бошқаришнинг (бизнес даражасидаги) мезо ва микроиқтисодий омиллари.

Р. Солоунинг иқтисодий ўсиш модели асосида Халқаро валюта фонди



экспертлари (Р.Жеймс (James R.), Ж.Хайнес (Hines Jr), П. Жонгсанг (Jongsang Park), А.Малден (Malden A.), Л.Ю.Хонг (Liu Yu-Hong), М.Жиянг (Jiang I-Ming), Н.Женг (Geng Niu), Ю.Ли (Li Yu), Фан Г. (Gang-Zhi Fan), Д.Жанг (Donghao Zhang), Ф.Нан (Feng Nan), В.Меюн (Wang Meiyun), М.Ли (Li Minqiang), Д.Ли (Li Dahui)<sup>29</sup> томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари күрсатишича, турли мамлакатларда иқтисодий ўсиш омиллари таркибида инвестицион мұхит жозибадорлигини таъминловчи инвестицион фаоллик күрсаткышлари таъсирининг улуши 31-46% миқдорида тебранади.

Тахлил ва натижалар.


Инвестицион салоҳиятни бошқариш йўналишларини тадқиқ этишнинг методологик ёндошуви (1-расм) инвестицион мұхит жозибадорлигини таъминловчи инвестицион салоҳият, инвестицион салоҳият устунлуклари ҳамда инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўналишларининг ўзаро боғлиқлигини мазмунан ва таркибий жиҳатдан батафсил очиб беради.

---

<sup>29</sup> James R. Hines Jr, Jongsang Park Investment ramifications of distortionary tax subsidies-Journal of Public Economics 172 (2019) 36–51, [www.elsevier.com/locate/jpube](http://www.elsevier.com/locate/jpube); Malden A. Safer bet? Evaluating the effects of the Extractive Industries Transparency Initiative on mineral investment climate attractiveness - The Extractive Industries and Society 4 (2017) 788–794, [www.elsevier.com/locate/exis](http://www.elsevier.com/locate/exis); Liu Yu-Hong, Jiang I-Ming. Optimal proportion decision-making for two stages investment- North American Journal of Economics and Finance 48(2019) 776-785, [www.elsevier.com/locate/najef](http://www.elsevier.com/locate/najef); Geng Niu, Li Yu, Gang-Zhi Fan, Donghao Zhang. Corporate fraud, risk avoidance, and housing investment in China - Emerging Markets Review 39(2019) 18-33, [www.elsevier.com/locate/emr](http://www.elsevier.com/locate/emr); Feng Nan, Wang Meiyun, Li Minqiang, Li Dahui. Effect of security investment strategy on the business value of managed security service providers-Electronic Commerce Research and Applications 35 (2019) 100843, [www.elsevier.com/locate/elerap](http://www.elsevier.com/locate/elerap).



## Инвестицион салоҳиятни бошқаришни тадқиқ этишнинг методологик аппарати



## **1-расм. Корхоналарда инвестицион ривожланишни бошқаришни тадқиқ этиш методологияси<sup>30</sup>**

Айрим муаллифлар жараёнларнинг бир меъёрда эволюцион ривожланишини ўрганишга нисбатан диалектик ёндошувнинг, тўлиқ формаллаштириш ҳамда эмпирик ҳисоблаш мумкин бўлган масалаларда эса синергетик ёндошувнинг афзаликларини инкор этмаган ҳолда, инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўналишларини ўрганиш асосида тизимли парадигма<sup>31</sup> орқали тизимли англаш моделини таклиф этишган.

Ушбу методологик ёндошувдан фойдаланиш инвестицион жозибадорликни таъминловчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш, инвестицион жараёнларга таъсир этувчи табиий ва иқтисодий обьектлар, субъектларнинг ўзаро муносабатларни ҳамда экзоген ва эндоген омиллар таъсирини ўлчаш имконини беради.

Ҳозирги пайтда инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш бўйича икки хил қараш мавжуд: биринчиси, инвестицион салоҳиятни самарали бошқарилаётганлигига иқтисодий фаолиятнинг миқдорий кўрсаткичларини қиёслаш орқали баҳо бериш бўлса, иккинчиси, бошқарув аппаратини сақлаш учун сарфланган маблағлар миқдорида бошқарув қарори, қонун ёки қарорларнинг «ишлаб чиқариш» харажатларида билвосита акс этиши ва унинг нисбатига қараб баҳо беришдир.

Инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш бўйича баҳо бериш усупларида битта обьектнинг талқини барча жиҳатларни қамраб ололмайди ва бошқарув самарадорлигини ҳам тўлиқ очиб беролмайди. Шуни инобатга олиб, бизнингча, ижтимоий-иктисодий ривожланишни бошқариш самарадорлигини аниқлаш учун янгича усулни тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Бу борада «тизимли ёндошув» усулини қўллаш ва унинг барча узвий боғлиқ бўлган алоқаларини аниқлаш ҳамда тизимнинг хатти-ҳаракатига таъсир этишини намоён этадиган схемани яратиш масаланинг туб моҳиятини очиб беришга хизмат қиласди.

Инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш муаммосини ҳал этишда тизимли ёндашувнинг бир қанча функцияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

<sup>30</sup>Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

<sup>31</sup>Корнай Я. Системная парадигма// «Вопросы экономики», 2002, № 4, с. 4–23; Клейнер Г.Б. Системная парадигма и экономическая политика// «Общественные науки и современность», 2007, №№ 2, 3.



- тизимли бошқарув – инвестицион жараёнларга таъсир этувчи барча омилларнинг объектив баҳолаш;
- ўзаро боғлиқ бошқарув тизими – турли институтларнинг тўғридан-тўғри ёки билвосита ўзаро боғлиқлиги;
- вертикал ёки горизонтал<sup>32</sup>.

Замонавий глобал рақобат шароитида ижроия ҳокимиятининг инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш юзасидан асосий эътибори иқтисодиётни жадал ва барқарор ривожлантиришнинг инновацион модели устуворлигига, илмий салоҳият мавжуд бўлган соҳаларда инновацион фаолликни кучайтиришга қаратилиши лозим.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда инвестицион жозибадорлик ҳолатининг барча вилоятларда турлича эканлиги ҳисобга олиб, инвестицияларни қабул қилиш имкониятининг баҳолаш ва бошқариш учун инвестицион ресурслар ҳолатини ва таркибий ўзгаришларини таҳлил этиб туриш лозим. Инвестицион имконият ва инвестицион сифим ҳолати ва унинг ўзгаришларни таҳлил этиш орқали худудларга инвестицияларни жалб этиш борасида бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Шу муносабат билан инвестицион-молиявий фаолликни самарали бошқариш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- молиявий ресурсларнинг шаклланиши хусусиятларини аниқлаш;
- инвестициявий фаолликни шакллантирувчи асосий ресурслар манбаларининг аниқлаш ва бошқариш;
- молиявий фаоллик ва инвестицион фаолликни баҳолашнинг замонавий ёндошувларни шакллантириш;
- инвестицион муҳит ҳолати ва инвестицион жозибадорлик даражасини баҳолаш;
- ички молиявий ресурс имкониятларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаш;
- инвестицион сиёsat ва инвестицион жозибадорликни ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Инвестицион-молиявий жараёнларни самарали бошқаришга қаратилган услугубий тавсиялар ва илмий таклифлар мамлакатда барқарор ижтимоий-

<sup>32</sup> Мустафакулов Ш. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. -Т.: Baktria press, 2017-146 6.



иқтисодий ривожланишни таъминлайди, хорижлик инвесторлар қизиқишини оширади, давлатнинг инвестицион фаолигини оширади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ханкелдиева Г.Ш. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг назарий жихатлари —Biznes-Эксперт илмий журнали, 2022 й., 2-сон
2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳдил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 5.
3. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.
4. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни. Scientific progress, 3(4), 159-166.
5. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари.
6. Махсудов, Ш. С. (2022). Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений. Бюллетень науки и практики, 8(5), 450-456.
7. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришда бошқарув органларининг ўрни. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 1(9), 370-375. Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 931
8. Solijonovich, M. S. (2022). The role of government bodies in the development of free economic zones. International Journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 132-137.
9. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни самарадорлигини ошириши ва ривожлантириш. Gospodarka i Innowacje., 24, 993-995.
10. Solijonovich, M. S. (2022). The role of engineering and communication infrastructure in the organization and development of the free economic zone. asia pacific journal of marketing & management review issn: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 97-102.
11. Максудов Шерзод Солижонов (2023). Эркин иқтисодий зоналардаги корхоналарнинг фаолиятига инновацион муҳитнинг таъсири. Research Focus, 2 (1), 516-522.
12. Махсудов Ш. Мамлакатда мавжуд эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини ташкил этиш. European Journal of Interdisciplinary



Research and Development Website: [www.ejird.journalspark.org](http://www.ejird.journalspark.org) 2023 may Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 932

13. Ш.С. Махсудов Ўзбекистонда тўқимачилик саноати тармоғини ривожланиш ҳолати таҳлили Finland International Scientific Journal of Education 2022 924-932

14. Хамракулов, И. Б. (2023). Организационно-экономическая характеристика развития электроэнергетических предприятий в узбекистане. models and methods for increasing the efficiency of innovative research, 2(23), 398-402.

15. Хамракулов, И. Б. (2023). Жаҳонда «яшил иқтисодиёт» нинг энергетика соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ва ривожланиш тенденциялари. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(4), 2361-2366.

